



O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

• 2013-yil, 14-sentabr. Shanba • 111 (31.701)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

ШХТНИНГ БИШКЕК САММИТИ

➤ Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 12-13 сентябрь кунлари Бишкекда ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.

Саммитнинг асосий тадбирлари 13 сентябрь кuni бўлиб ўтди. ШХТга аъзо Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси тор доирадаги учрашув билан бошланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон иштирок этди.

Мажлисида халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар, шунингдек, ШХТни янада ривожлантириш истикболлари юзасидан фикр алмашилди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти амалий мулоқот ва минтақавий ҳамда глобал муаммоларни ҳал этишнинг самарали йўллари бир-галикда топиш учун қўлай имконият экани таъкидланди.

Ташкилотга аъзо давлат раҳбарлари мажлисни кенгайтирилган таркибда давом эттирдилар. Уларга қулатувчи давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам қўшилди.

Халқаро муносабатларда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари, замонавий сиёсат ва иқтисодийнинг бугунги ҳолатига жиддий таъсир кўрсатаётган шиддатли жараёнлар рўй бераётгани қайд этилди. Глобал хавф ва таҳдидларга қарши биргаликда самарали курашиш, ШХТ мақомида барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш вазифалари устувор аҳамият касб этмоқда.

ШХТга аъзо давлатлар халқаро терроризм, сепаратизм ва экстремизм, транснационал уюшган жиноятчилик, наркотик моддалар, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорларининг ноқонуний айланишига, ахборот хавфсизлигига таҳдид солаётган хавфларга қарши фаол ҳамда изчил курашмоқда. Ушбу соҳалардаги ҳамкорликнинг норматив базасини янада такомиллаштиришни қўллаб-қувватламоқда.

Президентимиз Ислам Каримов ўз нутқида мажлис иштирокчилари эътиборини Сурия ва Афғонистонда рўй бераётган воқеаларга қаратди. Хунрезликлар Суриядан ташқарига ёйилишига йўл қўймаслик даркор. Афғонистон муаммосини ҳарбий йўл билан бартараф этиб бўлмайди, унинг сиёсий ечимини топиш, БМТ шафелигиди музокара-лар ўтказиш ва қарама-қарши кучларнинг муросяга келишига эришиш бу борадаги ягона тўғри йўлдир. Ўзбекистон Афғонистон билан муносабатларни фақат икки томонлама асосда йўлга қўяди.

Ўзбекистон раҳбари йирик қўшма лойиҳаларни, айниқса, транспорт-коммуникация соҳасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ШХТ Тараққиёт жамғармаси ва Ривожланиш банкини ташкил этиш муҳимлигини таъкидлади. Ислам Каримов Оролбўйи минтақасида мураккаб экологик вазият юзага келганини қайд этар экан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Оролни кутқариш халқаро жамғармаси ўртасида ҳамкорлик механизмларини ишлаб

чиқиш, экологик муаммоларни ҳал этишда ШХТ салоҳияти ва имкониятларидан фойдаланиш зарурлигига эътиборни қаратди.

Саммит иштирокчилари миллий иқтисодиётларни янада модернизация қилиш, инвестицион ҳамкорликни ривожлантириш, транспортда ташиш, коммуникациялар, инновацион технологиялар, агро-соҳа соҳаларида ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлади. ШХТ мақомида яшаётган халқлар манфаати йўлида яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорликни, маънавий яқинлик, маданиятлараро мулоқотни ривожлантиришга хизмат қиладиган илмий-техник ва маданий-гуманитар, туризм соҳаларидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш муҳимлиги қайд этилди.

Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси якунлари бўйича қабул қилинган Бишкек декларациясида амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид асосий ёндашувлар, кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун барча саъй-ҳаракатларни йўналтиришга қаратилган муштарак интилишлар ўз ифодасини топган.

Давлат раҳбарлари ШХТга аъзо мамлакатларнинг ўзоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома қондаларини амалга ошириш бўйича 2013-2017 йилларга мўлжалланган ҳаракат режасини имзоладилар.

Саммитда ШХТга аъзо мамлакатлар ҳукуматлари ўртасида илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги иштироки доирасида давлатимиз раҳбари ва Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоевнинг учрашуви бўлди.

Икки давлат раҳбарлари ШХТ саммитини юксак савияда тайёрлаш ва ўтказиш борасида Қирғизистон томони амалга оширган саъй-ҳаракатлар хусусида фикр алмашилди.

Президент Ислам Каримов давлат раҳбарлари даражасида имзолаш учун тайёрланган ШХТ доирасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва ташкилот фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган қатор ҳужжатларнинг қабул қилиниши муҳим эканлигини таъкидлади.

Музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликка доир масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Томонлар ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, икки томонлама транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантиришга қаратилган аниқ тақлиф ва чора-тадбирларни муҳокама қилдилар.

Чегара ҳудудларда биргаликдаги саъй-ҳаракатлар учун шароитларни яхшилаш, шунингдек, икки давлатнинг яхши қўшничилик алоқаларини ривожлантиришга беvosита дахлдор бўлган бошқа масалалар юзасидан ўзаро келишувга эришилди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА махсус мухбири.

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!



Сурхондарё вилояти:

БУ ҚАДИМ ЮРТДА КЎНГЛИ ОБОД, БУНЁДКОР ОДАМЛАР ЯШАМОҚДА

➤ Президентимиз айтганидек, ободлик кўнгилдан бошланади. Кўнгли обод инсон ўз юртини боғзорга, гулулзорга айлантиради. Бугун Сурхондарёга борган киши бунга ишонч ҳосил қилади. Бу қадим юртда кўнгли обод, бунёдкор одамлар яшамоқда, меҳнат қилмоқда, келажак пойдеворини қўймоқда.

(Давоми 2-бетда.)

Кучли фуқаролик жамияти сари

Сайловга пухта ҳозирлик кўрилмоқда

➤ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши томонидан Ўзбекистон Миллий матбуот марказида фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга бағишланган брифинг ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг амалдаги қонунлар доирасида ҳолис, очик-ошқорлаш ўтишини таъминлаш бунда муҳим аҳамиятга эга. Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг жорий йил 12 сентябрда қабул қилинган «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори биноан фуқаролар йиғинлари раислари ва маслаҳатчилари сайловини ўтказиш муддати 2013 йил ноябрь-декабрь ойлари этиб белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ мамлакатимизда мазкур сайловни ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Бўлажак сайловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 9756 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 97 мингдан ортиқ маслаҳатчиси сайланади. Бу масъулиятли лавозимларга ҳар томонлама муносиб номзодларни танлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳасини демократлаштириш ва либераллаштириш, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнини чуқурлаштириш, сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири.

Эътироф

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи

Хитой оммавий ахборот воситаларида кенг ва батафсил ёритилмоқда

3

Интернет-суҳбат

Бахтли яшаш, ҳаётдан рози бўлиб
яшаш учун Ўзбекистонда яшаш керак

Бу польшалик Ева ПОЛАКнинг фикри ➡ 4

«ЎЗБЕКISTON OVOZI» КЕЛГУСИ СОНЛАРИДА

ЎзХДП Марказий Кенгаши Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси билан ҳамкорликда Бухоро вилоятида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бўйича Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ўтказилаётган ҳуқуқий эксперимент, бу жараёнда ЎзХДП ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг иштироки мавзусида минтақавий семинар ўтказди.

Унда ЎзХДП Марказий Кенгаши ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари, Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоят партия кенгашлари вакиллари, Бухоро вилоят ҳокимлиги, вилоят адлия бошқармаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти минтақавий бўлими мутахассислари ҳуқуқий экспериментнинг бориши ва унинг аҳамияти юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Тадбир тафсилотлари билан газетамизнинг келгуси сонларидан бирида танишасиз.

«ЎЗБЕКISTON OVOZI» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,
СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ:

БУ ҚАДИМ ЮРТДА КЎНГЛИ ОБОД, БУНЁДКОР ОДАМЛАР ЯШАМОҚДА



Сурхондарёга йўлингиз тушса сизни, албатта, Амударё қирғоқлари бўйида қад ростлаган муқаддас қадимжон — Ҳақим ат-Термизий ҳазратлари зиёратгоҳига олиб боришади. Икки томони анвойи гул ва арчазорлар билан қопланган йўлдан борар экансиз, бу ерларда чаман яратганларга раҳмат айтасиз. Бир вақтлар қаровсиз ва ҳароб ҳолда ётган қадимжон мажмуаси бугун ҳар қимнинг ҳавасини келтиради, қараган одамнинг кўнгли ёришади.

Дарҳақиқат, бу масканга келган ҳар бир зиёратчи мустақилликнинг нақадар улғунма эканини ўз кўзи билан кўриб, қалби билан ҳис қилади.

Қампиртепа, Саполитепа, Далварзиптепада олиб борилаётган археологик изланишлар бу заминнинг қадим цивилизация бешикларидан бири эканини исботлади. Бу эса дунё қадимшунос олимларининг диққат-эътиборини тортди.

Истиқлол йилларида «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги кенг нишонланди, Бойсун БМТнинг ЮНЕСКО ташкилоти томонидан этнографик макон, дея эътироф этилди. Ҳар икки йилда дунё полвонлари Термиз шаҳридан йилгилиб, Ҳақим ат-Термизий ҳазратлари Президентини қўриқлаш учун ўзбекча курашиши анъанасига айланди.

— Термиз шаҳридаги «Сурхон» спорт мажмуаси, Марказий Осиёда ягона Термиз археология музейи, «Сурхон-Термиз-Силк» қўшма корхонаси, Жарқўрғон туманидаги «Сурхонтекс» қўшма корхонаси, Қўмқўрғон туманидаги «Сурхон комбинати» масулиялиги чекланган жамияти, Сарисийёдаги Хонжиза полиметалл рудалар қони каби ўнлаб корхоналар ҳар бир сурхондарёлик учун фахр-ифтихор манбаи, виллоятимизни барқарор ривожлантиришнинг ўзига хос қафолатига айланди, — дейди виллоят «Нуроний» жамғармаси раиси, халқ депутатлари Сурхондарё виллоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси Орзукул СОАТОВ. — Юқоридаги каби йирик корхоналарнинг ташкил этилиши аҳоли турмуш даражасини ошириш, уларни муҳим иш жойи ва даромад манбаи билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

ФАРОВОН ТУРМУШ

2013 йилнинг биринчи ярим йиллигида виллоятда ижтимоий соҳа объектлари учун 48045,9 млн. сўм маблағ сарфланди. Жумладан, умумтаълим мактабларини реконструкция қилишга 10063,9 млн. сўм маблағ йўналтирилди. 2 та умумий ўрта таълим мактаби биносининг капитал реконструкцияси якунланиб, 192 ўринга мўлжалланган ўқув биноси фойдаланишга топширилди.

Касб-хунар коллежларини қуриш ва реконструкция қилишга 8682,1 млн. сўм маблағ ишлатилди. Термиз давлат универ-

ситетда 400 ўринли талабалар ётоқхонаси, Ахборот-ресурс маркази ва бошқа ўқув биноларини қуриш-таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ишларига жами 16436,3 млн. сўм маблағ йўналтирилди.

Виллоятда аҳоли саломатлигини сақлаш тизимини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида туман тиббиёт бирлашмаларини, виллоят даволаш-профилактика муассасалари ҳамда ҚВПлар қуриш учун 14 млрд. 332 млн. 600 сўм маблағ сарфланди. Шаҳар ва туман тез тиббий ёрдам станцияларига 6 та санитар автоташналар олиб келинди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан спорт заллари, сузиш ҳавзаси, мусика ҳамда санъат мактабларини қуриш ва капитал реконструкция қилиш бўйича 5125,3 млн. сўм маблағ йўналтирилди.

Қишлоқ аҳоли пунктларида ичимлик суви таъминотини янада яхшилаш ҳамда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жой массивларида ичимлик суви тармоқларини тўртиш учун 7711,0 млн. сўм маблағ сарфланди.

Виллоятда жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 1779,7 млрд. сўмни ташкил этиб, 2012 йилнинг шу даврига нисбатан 111,0 фоизга бажарилди.

Мева-сабзавот, узум, гўшт ва сўт маҳсулотларини қайта ишловчи янги қуриладиган, реконструкция ва модернизация қилинадиган корхоналар манзилли дастурига мувофиқ бу йил виллоятда 25 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Бу воҳа бозорлари янада тўкин бўлади, минглаб иш ўрни яратилади, аҳолининг турмуш даражаси юксалади, деганидир.

МУСИҚИЙ ФАВВОРА

Бир пайтлар қўримсизгина бўлган Термиз шаҳрини бугун таниб бўлмайди. Айни кўнларда шаҳар марказида савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш билан биргаликда 11 та кўп қаватли уйларни қуриш ишлари якунига

етказилмоқда. Улар битиши билан 1000 га яқин оила замонавий шарт-шароитга эга уй-жойга кўчиб ўтади. «Ёшлар маркази»га мўлжалланган бинонинг капитал реконструкцияси ҳам охирига етиб қолди, Бобур номидаги боғ ажайиб ва сўлим масканга айлантирилди. Энг улғун ва энг азиз байрам — Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллик шодиёналари кўнлари эса бу ерда камалаётган жиллоланидиган мусиқали фаввора ишга тушди.

Шаҳардаги марказий кўчаларни туташтирувчи ўнга яқин автотомобиль йўлларида хавфсизликни таъминлаш мақсадида темир тўсиқли панжара ўрнатилиб, икки томонлама йўл 4 метрга кенгайтирилди, йўл ёқаларини обдонлаштириш ҳамда кўчалар зорлаштириш ишлари бажарилди. Шаҳарнинг Навоий ва Султон-Саодат кўчаларини боғловчи йўл барпо этилди. Термиз шаҳрининг бош режасига мувофиқ, унинг ҳудудига яна 82 гектар майдон қўшилиди. Бугунги кўнда Термиз халқаро аэропортидан Термиз шаҳригача бўлган ва Мангузар қишлоғи орқали ўтган йўл кенгайтирилиб, қайта қурилмоқда. Йўлнинг ҳар икки томонида замонавий меъморчилик ва шаҳарсозлик талаблари даражасидаги кўп қаватли турар-жой, жамоат ва сервис хизматлари кўрсатидиган бинолар қурилиши кўзда тутилган.

— Истиқлол йилларида воҳада сайёҳлик тез ривожланаяпти, — дейди Термиз Археология музейи директори, «Дўстлик» ордени соҳиби Исмоил БОТИРОВ. — Ўтган асрнинг охиридаги йилга бор-йўғи 35-40 нафар сайёҳ келган бўлса, жорий йилнинг ўтган 6 ойида 6 минг нафардан ортиқ сайёҳ ташриф буюрди. Бу виллоятда сайёҳлик инфраструктураси ҳам жадаллик билан ривожланиётганининг яна бир исботидир.

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Муайян соҳада банд бўлган одам жамият равнақиға фаол ҳисса қўиш, ўз оиласи фаровонлигини таъминлаш имконига эга бўлади. Шу боис Ўзбекистон ХДП дастурий мақсадларида иқтисодийнинг турли тармоқларида иш ўринлари яра-

Айни пайтда виллоятда ЎзХДПнинг 34 минг нафарга яқин аъзоси 760 дан ортиқ бошланғич таъхилотга бирлашган. Халқ депутатлари виллоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳида 28 нафар, шаҳар ва туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларида 200 дан ортиқ депутат фаолият юритмоқда.

тиш, бандлик даражасини ошириш масаласига чуқур эътибор қаратилган. Партия ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари шунга мувофиқ тарзда виллоятда аҳолини иш билан таъминлаш, Бандлик дастури ижроси бўйича жамоатчилик ва депутатлик назоратини кучайтиришга, шу йўлда амалий натижаларни кўпайтиришга ҳаракат қилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган олти ойида виллоятда 200 дан ортиқ янги ишлаб чиқариш иншоотлари фойдаланишга топширилди. «2013 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури»га асосан виллоятда 65943 та янги иш жойи яратилиши белгиланган. Ярим йиллик якунига кўра, 35165 та янги иш ўрни очилди.

Айни пайтда виллоятда ЎзХДПнинг 34 минг нафарга яқин аъзоси 760 дан ортиқ бошланғич таъхилотга бирлашган. Халқ депутатлари виллоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳида 28 нафар, шаҳар ва туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларида 200 дан ортиқ депутат фаолият юритмоқда. Бугунги кўнда виллоятда электротармоқларини химоя қилишда,

ижтимоий ислохотларнинг самардорлигини оширишда бу куч ва салоҳиятдан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда.

Партияимизнинг Сайловолди дастури ва 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида белгиланган вазифалар асосида ўтган йили депутатлик гуруҳлари ташаббуси билан халқ депутатлари туман, шаҳар ва виллоят Кенгашлари сессиялари муҳокамасига 21 та масала киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Мазкур қарорларнинг бажарилиши юзасидан изчил депутатлик назорати ўрнатилди.

2013 йилнинг ўтган даврида виллоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи виллоят Кенгаши сессияларига ёшларнинг юқори билим олиши ва уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган 2 та масалани киритди. Хусусан, депутатлик гуруҳи томонидан виллоят касб-хунар коллежлари ҳамда академик лицейлари битирувчиларини ишга жойлаштириш юзасидан олиб борилаётган ишлар ўрганилди. Сессияда мазкур масала атрофида муҳокама қилиниб, бу борадаги ишларни яхшилашга доир чора-тадбирлар белгиланди.

Депутатлик гуруҳи ташаббуси билан виллоят Кенгаши сессиясида қўриб чиқилган «Виллоятда умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига тўлиқ қамраб олиш, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш ҳамда янги 2013-2014 ўқув йилига тайёргарлик самардорлигини ошириш тўғрисида»ги масала ҳам таълим сифатини ошириш, ёшлар бандлигини таъминлашга хизмат қилади, албатта.

ҚИШЛОҚ УЙЛАРИ

Давлатимиз раҳбарининг Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори қишлоқларнинг янги қиёфасини белгилаб берди. Ўтган тўрт йил давомида виллоятда намунавий лойиҳа асосида 2 минг 75 та шинам уй-жой барпо этилди. Шунча оила барча қўлайликларга эга уй-жойларга кўчиб кирди. «Обод турмуш йили»да 13 та туман қишлоқларидаги 23 та массивда 810 та уй-жой бунёд қилинмоқда.

— Олтимиш икки ёшдаман, — дейди деновлик Сафар АБДУЖАББОРОВ. — Туманимизнинг «Хитоя» массивида барча шароитларга эга 145 та намунавий уй қурилди. Улардан бирига катта фарзандим Шухратжон кўчиб ўтди. Шинам меҳмонхона, мўъжаз ошхона, ажайиб болалар хонасини кўриб қувондим. Бу уйлар иссиқ ва совуқ сув, табиий газ, электр-энергия билан таъминлангани кўнглимни янада шод этди. Массивда новвойхона, озиқ-овқат ва саноат моллари билан савдо қиладиган дўконлар, сартарошхона, пойабзал таъмирлаш устоналари ишлаб турибди...

Президентимиз айтганидек, ободлик кўнглидан бошланади. Кўнгли обод инсон ўз юртини боғу боғзорга, гулу гулзорга айлантиради. Бугун Сурхондарёга борган киши бунга ишонч ҳосил қилади. Бу қадим юртда кўнгли обод, бунёдкор одамлар яшамоқда, меҳнат қилмоқда, келажак пойдеворини қўймоқда.

Басандобону ЖАЛИЛОВА, Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.



